

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 23 август, № 172 (9343) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАЙЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИ ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар самарасини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг кўп қиррали ижодий ва илмий-амалий фаолияти билан халқимизнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, юртимизда илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва санъат соҳалари, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, жамиятда тинчлик ва тотувлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини сақлаш, ёшларимизни она юртга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги самарали хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» фахрий унвони билан

Арабов Илёс Исматович — Юнус Ражабий номидаги ўзбек миллий мусиқа санъати институти ўқитувчиси

Турдиева Юлдуз Чориевна — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми» фахрий унвони билан

Жамолдинов Акмалжон Зайлобидинович — Ўзбекистон давлат филармонияси бош рассоми

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан

Исраилов Шукурулла Ахмадкулович — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси бадиий сўз устаси

Юлдашев Бобур Бахадирович — «Дийдор ёшлар эксперименталь театр-студияси» давлат муассасаси бадиий раҳбари

Юлдашев Шохрух Алишерович — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

Джамилова Гулчехра Манноновна — Ўзбек Миллий академик драма театри фахрий актрисаси

Мадраимов Абдумалик Абдураимович — Андижон шаҳридаги «Гижжак Бобурий» оилавий корхонаси раҳбари, Андижон вилояти

Тохтасимов Шухрат Махмутович — Ўзбекистон давлат хореография академияси ректори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан

Асланова Елена Юрьевна — Самарқанд вилояти гимнастика турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби катта мураббийси

Темиров Воҳиджон Омонович — Чирчиқ олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг юнон-рум кураши бўйича катта мураббийси, Тошкент вилояти

«Имом Бухорий» ордени билан

Ибодуллаев Махмуд — Пайариқ туманидаги «Имом ал-Бухорий» жоме масжиди фахрий имоми, Самарқанд вилояти

Исламов Захид Махмудович — Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясининг Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси профессори

Ишматбеков Хамид Бахрамович — Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари

Мансуров Азизжон Дадажанович — Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фахрийлар кенгаши раиси

Разаков Гафур — Когон туманидаги «Баҳоуддин Нақшбанд» масжиди имом-хатиби, Бухоро вилояти

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Ашуров Равшан Раджабович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В. И. Романовский номидаги Математика институти лаборатория мудири

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ХОРИЖДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз иқтисодиётида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, устувор тармоқлардаги муҳим дастурларни ҳаётга жорий этишда кўп қиррали ва самарали ҳамкорликни шакллантириш ва мустаҳкамлашга, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги туб ўзгаришлар жараёнига муносиб ҳисса қўшаётгани, шунингдек, йирик инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини рўёбга чиқариш борасидаги фаол иштироки, Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш йўлидаги улкан саъй-ҳаракатлари ҳамда дўстлик ва ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантиришга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаб келаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Дўстлик” ордени билан

Иван Цао — “BYD Auto” компаниясининг Европа сотув бўлими бош директори ўринбосари

Клод Имовен — Франциянинг “MEDEF International” ҳаракатининг Ўзбекистон — Франция Ишбилармонлар кенгаши раиси

Масаёши Фужимото — “Sojitz” компанияси директори

Сабине Махл — БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори

Тураман Синан — Шайхонтоҳур туманидаги “Outdoor Factory Tashkent” масъулияти чекланган жамияти кузатув кенгаши раиси, Тошкент шаҳри

II даражали “Саломатлик” ордени билан

Қаҳорова Нилуфар Ҳамроевна — АҚШнинг Гарвард университети ҳузуридаги Бостон болалар шифохонаси лойиҳа менежери

Юлдашева Нодира Мухамедовна — Канаданинг Торонто шаҳридаги Канададаги ўзбекистонликлар уюшмаси асосчиси, “Соғлом йўл” тиббий ва диагностик маркази раҳбари

“Шуҳрат” медали билан

Абдуллаева Шаҳло Абдирашидовна — Корея Республикасининг Квангжу шаҳридаги Мигрант аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таълим бериш маркази раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 21 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, унинг иқтисодий тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, илғор инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, ҳудудлар инфратузилмасини жадал ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари, жамиятимизда ижтимоий барқарорликни сақлаш, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони билан

Мустакимов Отабек Маннабиевич — «Навоий конметаллургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси директори

Туранов Гуломжон Мирзахматович — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг электрда пўлат эритиш бўлинмаси пўлат эритувчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвони билан

Жонгиров Амонжул Абдухошимович — «Ўзбекгидрогеология» давлат муассасасининг геология бўлими етакчи гидрогеологи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвони билан

Ахмедов Бахтиёр Ағзамович — Жиззах шаҳридаги «Агроквант» қурилиш-монтаж корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

Тохтаходжаев Саттархужа Рахимджанович — Олмазор туманидаги «Golden Ganj» қурилиш корхонаси устаси, Тошкент шаҳри

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони билан

Зиёвиддинов Илхомжон Салохиддинович — Наманган туманидаги «Навбаҳор намунаси» кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Кенжаев Баходир Ахматович — Боёвут туманидаги «Аҳмадий» кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони билан

Юлдашев Хушмурод Абдурасулович — Нишон туманидаги «Расул ота» кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони билан

Худойбердиева Жамила Шарофовна — Вобкент туманидаги «Кумушкент ипаги» масъулияти чекланган жамияти ипак қуртини ривожлантириш мутахассиси, Бухоро вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони билан

Айтимуратов Эсенбай Сарсенбаевич — Нукус туманидаги «Қониратбай Меҳри» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Оқмаматов Олим Ҳайитович — Муборак туманидаги «Муборак қорақўлчилик» масъулияти чекланган жамияти раиси, Қашқадарё вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони билан

Каримкулов Асланкул Зияевич — Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, Самарқанд вилояти

(Давоми 2-3-4-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИ» ЭСДАЛИК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз беш йиллик байрами халқимизнинг фидокорона меҳнати, улкан иродаси ва бунёдкорлик салоҳияти билан истиқлол даврида босиб ўтган ғоят мураккаб ва шарафли миллий тараққиёт йўлимизнинг ёрқин кўзгусидир. Айни вақтда ушбу сана сўнгги ўн йилда Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида эришаётган том маънодаги тарихий ютуқларимизни ҳар томонлама таҳлил қилиб, келгуси режаларимизни янада аниқ белгилаб олишда муҳим ўрин тутадиган, эл-юртимизни янги марралар сари илҳомлантирадиган буюк сиёсий-ижтимоий аҳамиятга молик воқеадир.

Бугунги кунда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, инсон қадрини улуғлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш борасидаги туб ислоҳотлар жараёнида меҳнаткаш, мард ва олижаноб юртдошларимиз ўзининг куч-ғайрати, истеъдод ва маҳорати, билим ва тажрибаси ҳамда эзгу ташаббуслари билан фаол иштирок этмоқда. Уларнинг эл-юрт олдидаги муносиб хизматларини, ибратли фазилатларини юксак қадрлаш ва рағбатлантириш кўпмиллатли жамиятимиз аъзолари, айниқса, ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғуларини сингдиришда, ҳеч шубҳасиз, беқиёс ўрин тутади.

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, тадбиркорлик ва хусусий секторни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли фаровонлигини, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ислоҳотлар самарасини таъминлашда жонбозлик кўрсатиб келаётган, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юртимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган ватандошларимизни “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирлаш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа марказий идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган рўйхатларни белгиланган тартибда кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда бошқа мутасадди раҳбарлар “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишонларини Мустақиллик байрами муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан тантанали вазиятда топширишни таъминласин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишонларини топширишга бағишланган тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбари С.Ш.Мирзиёева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 22 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар салоҳиятини оширишдаги алоҳида хизматлари, мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги шарафли бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар орден ва медаллар билан мукофотлансин:

“Меҳнат шуҳрати” ордени билан

Курбанов Холмурад Абдусаламович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси кафедра профессори

Рахимов Абдуманноб Кузиевич — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси

Чуряков Эркин Ибрагимович — Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Судбаллистика ва ишшунослик экспертиза лабораторияси мудири

I даражали “Шон-шараф” ордени билан

Арипов Тохир Тулкинович — Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи

Махмудов Виктор Владимирович — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби

II даражали “Шон-шараф” ордени билан

Икрамов Азизбек Исраилович — Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири

Камилов Азизбек Бахридинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқарма бошлиғи

“Дўстлик” ордени билан

Авездурдиев Гайгисиз Курбандурдиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

Ли Адик — Тошкент давлат юридик университетининг Маъмурий ва молия ҳуқуқи кафедраси профессори

Муродов Талъат Пардаевич — Ўзбекистон “Veteran” жангчи-фахрий ва ногиронлар бирлашмаси раиси

Муртазаева Рано Бахитовна — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси бошлиғи

(Давоми 4-бетда).

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 23 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИ ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Гулямова Ташхан Гафуровна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Микробиология институти лаборатория мудири

Элмуродов Каримали Садинович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадарё филиали хирургия бўлими шифокори

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Абдуллаев Икрам Искандарович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Хоразм Маъмун академияси раиси

Аннакулов Омон Бобокулович — Республика олимпия захиралари теннис мактаби мураббийси

Ассакалов Рустам Схатбиевич — Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси

Исмаилова Жанат Хамидовна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори

Махмудов Низомитдин Мамадалиевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори

Нариев Эдуард Устемирович — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий марказининг Жиззах филиали бош шифокори

Пиязов Женисбек Буркитович — эркин ижодкор, опера хонандаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Султанов Карим — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти директори

Тўраев Ҳалим — Бухоро давлат университетининг Археология ва Бухоро тарихи кафедраси профессори

Хатамова Ойгул Киёмовна — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Навоий вилояти филиали Конимех тумани тез тиббий ёрдам станцияси шифокори

Хайитов Тулкун Мингбаевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Темурийлар тарихи давлат музейи маънавият ва маърифат бўлими мудири

«Дўстлик» ордени билан

Абадиева Татяна Муратовна — Тошкент шаҳри 5-туманлараро фтизиатрия диспансери катталар бўлими фтизиатри

Авездурдиева Амангул Оруновна — Тошкент шаҳар туркман маданий маркази раиси

Галиев Рашид Талипович — «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти фотомухбири

Гафурова Лазизахон Акрамовна — Ўзбекистон Миллий университетининг тупроқшунослик кафедраси профессори

Исламшиков Зухриддин — Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази аъзоси

Кадиров Бури Худайшукурович — Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи

Кемал Явуз Атаман — «Донишманд маслаҳат ташқи савдо» масъулияти чекланган жамияти ва «Донишманд» юридик бюроси директори

Короли Мехрия Анваровна — Тошкент давлат техника университетининг термодинамика ва иссиқлик техникаси кафедраси профессори

Кудишкин Валентин Олегович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институти лойиҳа раҳбари

Левтеева Лариса Георгиевна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўзбекистон тарихи давлат музейи катта илмий ходими

Мадримов Исраил Модрахимович — профессионал боксчи

Мамедов Нармурат Гурбанович — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Қашқадарё вилояти филиали Миришкор тумани тез тиббий ёрдам станцияси фельдшери

Сотиболдиева Нилуфар Жамшидовна — Ўзбекистон давлат филармонияси концерт дастурлари бошловчиси

Турсунов Ғайбулло Муфитилло ўғли — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

Умбетаев Асқар Нурбаевич — Қорақалпоғистон қозоқ миллий маданий маркази раиси

Умирзакова Нилуфар Талибжановна — «O‘zbekiston» радиоканалининг маърифий, бадиий дам олиш дастурлар муҳарририяти катта муҳаррири

Хасанов Акназар Бекдурдиевич — Самарқанд давлат университетининг дифференциал тенгламалар кафедраси мудири, Самарқанд вилояти

Цой Радион Исекович — Ўзбекистон корейс маданият марказлари уюшмаси қошидаги Корея маданият саройи директори

Чистополова Татяна Валерьевна — «Славутич» республика украин маданият марказининг Олмалиқ шаҳар бўлими раиси

Шарипов Абдукарим — Республика тожик миллий маданий марказининг Жиззах вилояти бўлими раиси

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Мустафаева Нодира Абдуллаевна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими раҳбари

Рахманкулова Зухра Жандаровна — Тошкент давлат тиббиёт университетининг неонатология кафедраси профессори

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Рахманова Назира — Хоразм вилояти болалар кутубхонаси директори

Рахматуллаев Изатулла — Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтининг тиббий ва биологик-кимё кафедраси доценти, Фарғона вилояти

Суюнов Акрам Олимович — Ургут туманидаги 118-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Холматов Бахтиёр Рустамович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Зоология институти директори

Эргашев Сирожиддин Фаязович — Фарғона давлат техника университетининг электроника ва асбобсозлик кафедраси профессори, Фарғона вилояти

I даражали «Саломатлик» ордени билан

Арзикулов Тўракул Нарзикулович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали нейрохирургия бўлими мудири

Бобоқулов Худойшукур Бўронович — Қумқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасининг туманлараро перинатал маркази реанимация бўлими бошлиғи, Сурхондарё вилояти

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Мавлянова Рахима Абдишукуровна — Олмалиқ шаҳридаги оилавий поликлиникаси бўлим мудири, Тошкент вилояти

Махмудов Илхом Нурмуродович — Тиббиёт бош бошқармасининг 1-марказий клиник шифохонаси бўлим мудири

Олимов Немат Каюмович — Тошкент фармацевтика институтининг фармакогнозия ва дори воситаларини стандартлаш кафедраси мудири

Раймжонов Хуршидбек Хамидуллаевич — Баликчи туманидаги «Чинобод файз плюс» шифохонаси раҳбари, нейрохирург, Андижон вилояти

Салиев Яхия Мамутжанович — Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиали шифокори

Тен Любов Василевна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон филиали жонлантириш бўлими анестезиолог-реаниматологи

Тўраев Телмон Темирович — Бухоро давлат тиббиёт институтининг 1-педиатрия кафедраси доценти, Бухоро вилояти

Тураева Назира Шукуровна — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилояти ҳудудий филиали бўлим мудири

Шомуродов Ҳабибулло Файзуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ботаника институти бош илмий ходими

«Соғлом турмуш» медали билан

Аслонова Шаҳло Ганиевна — Ромитан тумани тиббиёт бирлашмасининг туманлараро перенатал маркази неореанимация бўлими мудири, Бухоро вилояти

Жалолов Улуғбек Музафарович — Китоб туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Искандаров Фарход Абдуллаевич — Оролбўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг интервенцион кардиология бўлими рентгенохирурги

Исмоилова Дилфуза Ибрагимжановна — Қўрғонтепа тумани Қорасув шаҳар тиббиёт бирлашмасининг ички касалликлар бўлими катта ҳамшираси, Андижон вилояти

Рашитова Мунаввар Камиловна — Хива шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 1-оилавий поликлиникаси оила шифокори, Хоразм вилояти

Ташматова Комилахон Тураевна — «Bolajon» телеканалининг телелойиҳалар ишлаб чиқариш муҳарририяти бош муҳаррири

Хайдарова Замира Кахаровна — Самарқанд тумани соғлиқни сақлаш бўлимининг 3-оилавий поликлиникаси мудири, Самарқанд вилояти

«Келажак бунёдкори» медали билан

Абдукаримов Абдурашид Дилшод ўғли — Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг шифокор-хирурги

Абдуразоқов Дониёр Мухтор ўғли — Ширин энергетика техникуми ўқувчиси, Сирдарё вилояти

Бахтиярова Диана Данияр қизи — Оксана Чусовитина номидаги гимнастикага ихтисослаштирилган спорт мактаби ўқитувчиси

Ералиев Худияр Бахтиярович — Мўйноқ тумани спорт мактабининг футбол бўйича мураббийси, Қорақалпоғистон Республикаси

Исматов Диёрбек Нозим ўғли — Ширин энергетика техникуми ўқувчиси, Сирдарё вилояти

Исроилов Отабек Одилжон ўғли — Ўрта Чирчиқ тумани ва Нурафшон шаҳри «Машъал» ижтимоий-сиёсий газетасининг бош муҳаррири, Тошкент вилояти

Рустамов Дилмурод Зарифбой ўғли — Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаси

«Шуҳрат» медали билан

Абдуллаев Мираъзам Миродил ўғли — Шойхонтоҳур туманидаги «Englify» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, ижтимоий тармоқлардаги «Teacher Azam» саҳифаси асосчиси, Тошкент шаҳри

Абдирахмонов Равшан Рузимуродович — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Навоий вилояти филиали Хатирчи тумани тез тиббий ёрдам станцияси ҳайдовчиси

Абидова Шахлохон Қодиржоновна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Namangan» радиоканали информацион, ижтимоий-сиёсий, маърифий ва кўнгилочар дастурлар муҳарририяти шарҳловчиси

Аметова Гулжахан Файзуллаевна — Нукус шаҳридаги 14-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Аскаров Дилшодбек Қобилович — «Vodiy1. uz» таҳририяти муҳаррири

Бахритдинов Нуриддин Шамсиддинович — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган вилояти филиали юрак-қон томир жарроҳлик бўлими жарроҳи

Босимов Нуриддин Саидкосимович — Зарбдор туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Гайбуллаева Юлдуз Исмоиловна — Учқудуқ туманидаги 10-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Навоий вилояти

Ғаниева Фарангиз Баётовна — Бухоро туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Гафуров Умиджон Илхомович — Миробод туманидаги «Thebase» хусусий корхонаси раҳбари, ижтимоий тармоқлардаги «Troll.uz» лойиҳаси асосчиси, Тошкент шаҳри

Гофурова Дилорам Бахадировна — Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси етакчи мутахассиси

Ешмуратов Какимбек Дарябаевич — Қораўзак туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жамолитдинова Дилноза Мирхожидиновна — Қўқон давлат университетининг гуманитар фанлар ва тиллар факультети декани, Фарғона вилояти

Жураев Алимжон Усарович — Зангиота туманидаги «Зангиота» масжиди мутаваллиси, Тошкент вилояти

Исламов Шарифжон Ганиджанович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонд мудири

Исмоилова Махлиёхон Хабибулло қизи — Олтиариқ туманидаги 89-оилавий поликлиникаси катта ҳамшираси, Фарғона вилояти

Ишанходжаев Саидазиз Саиднаби ўғли — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси раиси ўринбосари

Каримов Музафар Кувондикович — Енгил атлетика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби мураббийси

Каршиев Фахридин Умарович — Термиз давлат университетининг технологик таълим кафедраси профессори, Сурхондарё вилояти

Кискин Андрей Николаевич — Гулистон шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Мусаева Шохистахон Садридиновна — Учқўрғон тумани 4-техникуми директори, Наманган вилояти

Мухтаров Абдухамид Абдуахатович — Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси ҳузуридаги «Зиё» медиа маркази директори

Нурмаматов Фурқат Абдуғаниевич — Термиз муҳандислик ва агротехнологиялар университетининг мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси доценти, Сурхондарё вилояти

Расулов Зокир Пардаевич — Ўзбекистон давлат спорт академиясининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори

Раҳматов Жалол Азаматович — Шаҳрисабз туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Рихсиева Гулбахор Ташпулатовна — Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг реанимация ва интенсив терапия бўлими кичик тиббий ходими

Сабирова Айша Атабаевна — Республика болалар фтизиатрия ва таянч ҳаракат тизими касалликлари реабилитацияси маркази лаборанти

Сагитов Мирхан Миргазиян — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси марафонларни ташкиллаштириш бўлими бошлиғи

Собиржонова Севарахон Абдукаримовна — Қўрғонтепа туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Суръатхўжаев Салоҳиддинхўжа Улуғбек ўғли — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси лойиҳани ишлаб чиқариш ва амалга ошириш бошқармаси бошлиғи

Тураев Сарварбек Кенжабоевич — «Сурхондарё вилояти телерадиоканали» давлат муассасасининг «Сурхондарё телеканали» муҳарририяти бош муҳаррири

Туракулов Кахраман Изатуллаевич — «Кўкалдош» ўрта махсус ислом билим юрти талабаси

Халлиева Гулноз Искандаровна — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг жаҳон адабиёти кафедраси мудири

Эшмуродова Муяссар — Нурота тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси кардиологи, Навоий вилояти

Юлдашев Элёр Тургунпулатович — «Namangan International University and School» нодавлат таълим муассасаси директори, Наманган вилояти

Юнусов Баходиржон Жалолдинович — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 21 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвони билан

Зарипов Хамид Ахтамович — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «1-қурилиш-монтаж поезди» масъулияти чекланган жамияти машинисти, Навоий вилояти

Рахманов Хушнуд Матчанович — «Темирйўлинфратузилма» акциядорлик жамиятининг Урганч темир йўл масофаси филиали йўл устаси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» фахрий унвони билан

Ишмахамедов Улугбек Тожибаевич — «Uzbekistan airways» акциядорлик жамиятининг Парвоз хизмати департаменти «Boeing-787» ҳаво кемаси учувчи-йўриқчиси

Байбулатов Тахир Абсадикович — «Uzbekistan airways» акциядорлик жамиятининг Парвоз хизмати департаменти «A-321» ҳаво кемаси командири

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

Абдуллаев Мурадулло — Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари қўмитаси раисининг маслаҳатчиси

Тухтаев Абдукаххар Хасанович — Тошкент шаҳар ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Хамраев Ибрахим Шайкулович — Олот туманидаги «Мергантекс» пахта-тўқимачилик кластери бош директори, Бухоро вилояти

Карамова Комила Зайдуллаевна — Республика маънавият ва маърифат марказининг Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари

Негматов Шухрат Худойбердиевич — «Нуроний» жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси

Қурбонов Абдусаттор Юлдошевич — Жарқўрғон тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Сурхондарё вилояти

Султанов Рустам — «Нуроний» жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими раиси

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Абдухаликов Фирдавс Фридунович — Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Азимов Муротжон Бердиалиевич — Қашқадарё вилояти ҳокими

Бозаров Хайрулло Хайитбаевич — Фарғона вилояти ҳокими

Кушматова Дилфуза Турсунбаевна — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг навли прокатлаш бўлинмаси кран машинисти

Мирзаев Ғофуржон Ганиевич — Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси

Разаков Музаффар Махаматович — Қўштепа туманидаги «Fergana global textile» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти

Умурзаков Шавкат Буранович — Тошкент шаҳар ҳокими

Хурсанов Абдулло Халмурадович — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Абдуразаков Шавкат Шокирджанович — Наманган вилояти ҳокими

Абдураимов Мирзакарим Абдиганиевич — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Мис бойитиш фабрикаси янчиш ва флотациялаш цехи майдаловчиси

Бойкараев Асрол Рузиевич — Косон тумани ҳокими, Қашқадарё вилояти

Джабборов Рустамжон Мадиевич — Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази илмий котиби

Жабборов Азим Тошевич — Кармана тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Навоий вилояти

Жумаев Зоир Кудратиллоевич — «Косон нефть-газ қидирув экспедицияси» масъулияти чекланган жамиятининг пармалаш устаси, Қашқадарё вилояти

Зарипов Ботир Комилович — Бухоро вилояти ҳокими

Икрамов Жахонгир Камолович — Яшнобод туманидаги “Mizan” масъулияти чекланган жамияти лойиҳа бош муҳандиси, Тошкент шаҳри

Кадирханова Малика Акбаровна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

Каландаров Эшчонбой Ганиевич — “Урганч халқаро аэропорти” масъулияти чекланган жамияти парвозларни электр ёритиш ва техник таъминлаш хизмати бошлиғи, Хоразм вилояти

Курганов Зоид Садикович — «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамиятининг Парвоз хизмати департаменти “Boeing-787” ҳаво кемаси командири ўринбосари

Намазов Азамат Исаматович — «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг «Транспорт» филиали кран машинисти, Тошкент вилояти

Норметов Наримбай Эрханович — «Чирчиқ трансформатор заводи» акциядорлик жамиятининг изоляция ва таркибий қисмлар цехи созловчиси, Тошкент вилояти

Рахимов Алишер Тураевич — «Қуюв-механика заводи» акциядорлик жамиятининг тайёрлов цехи металл кесувчиси, Тошкент шаҳри

Саидов Бахтиёр Одилович — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири

Сайдуллаев Шукурулло Хабибуллаевич — Қўштепа тумани «Шукрдавлат» кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

Санакулов Кувандик — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти раиси

Султонов Исроилжон Мамирович — «Нуроний» жамғармаси Асака тумани бўлими раиси, Андижон вилояти

Тоҳиров Шавкат Ботирович — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Шимолий кон бошқармаси «Довғизтов» кони экскаватор машинисти

Шерматов Шерзод Хотамович — Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири

Эгамбердиева Саида Абдисаматовна — Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири

Элмурадов Бобир Хамидович — “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” бош лойиҳа институти давлат муассасаси бош директори

Юлдашев Мухаммадсобир Мирзарахимович — «UzAuto Motors» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш дирекцияси пресслаш цехи кўприкли кран машинисти, Андижон вилояти

Юсупов Ойбек Тазабаевич — “Тахиатош йўллардан мунтазам фойдаланиш” масъулияти чекланган жамиятининг автогрейдер ҳайдовчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Мадаминов Атабай — Гурлан тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Хоразм вилояти

Тураев Рашид Эргашевич — Ургут тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Самарқанд вилояти

Якубова Динора Исаковна — Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Шоҳимардонов Раҳматулло Мажидович — Бойсун тумани «Маърифат» тарғиботчилар жамияти фаоли, Сурхондарё вилояти

(Давоми 3-4-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-2-бетларда).

I даражали «Шон-шараф» ордени билан

Рахманкулов Мир-Акбар Ходжи-Акбарович (марҳум) — Давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Окбоев Жалолитдин Жамолович — Ғаллаорол тумани ҳокими, Жиззах вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Абдикаримова Сайёра Сапаевна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари

Азимов Боймурат Хамитович — Ховос туманидаги «Етти гузар» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар бўйича маслаҳатчиси, Сирдарё вилояти

Алданов Елибай Токбергенович — Томди туманидаги «Керегетов» овул фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

Алиева Тамила Анваровна — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбарининг ўринбосари

Алламжонов Комил Исмоилович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбарининг шартнома асосида жалб қилинадиган маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг АҚШдаги вакили

Ан Ирина Борисовна — Мирзо Улуғбек туманидаги «Бунёдкор обод таъмир» бошқарув сервис компанияси раҳбари, Тошкент шаҳри

Асадов Шерзод Икромович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Коммуникациялар департаменти бошлиғи – Президент матбуот котиби

Валиев Руслан Фуатович — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» акциядорлик жамиятининг электр аппарат цехи монтажчиси, Тошкент шаҳри

Гулиева Мадина Гамбаровна — Бухоро шаҳридаги «Зарафшон» бошқарув сервис компанияси раҳбари, Бухоро вилояти

Жумаев Нодир Хосиятович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси

Ибрагимов Хусомиддин Журабаевич — «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамиятининг «7-автобус саройи» филиали автобус ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

Измирян Александр Владимирович — «Фарғонаазот» акциядорлик жамияти азот кислотаси цехи бошлиғининг технологик жараёнларни бошқариш бўйича ўринбосари, Фарғона вилояти

Кабулова Рано Иркиновна — Акциядорлик тижорат Халқ банки Ангор филиали бошқарувчисининг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича ўринбосари, Сурхондарё вилояти

Камилов Музаффар Муратович — Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси

Камилов Рустам Туйчиевич — Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари

Кенжаев Жалил Кадирович — Дўстлик туманидаги «Манас» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

Кобилов Рустам Ражаббоевич — Самарқанд вилояти ҳокимининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари

Кудратов Лазиз Шавкатович — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири

Курбанов Улуғбек Учкунович — Ўзбекистон Республикаси Президентининг протоколи бошлиғи

Қаршибоев Муртаза Маматқулович — Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси – Спичрайтери ўринбосари

Ли Дмитрий Романович — Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директори

Мамаджанова Дилбархон Рахматовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси

Маматкаримов Одилжон Охундедаевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси

Мармазинская Наталья Владимировна — «Зарафшон» миллий табиат боғининг фан ва атроф-муҳит мониторинги бўлими бошлиғи, Самарқанд вилояти

Машарипов Сабиржон Нуруллаевич — «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятининг «Туямўйин гидроэлектростанцияси» филиали махсус машина ҳайдовчиси, Хоразм вилояти

Мирзакулов Умматқул Маматқулович — «Угом-Чотқол» давлат миллий табиат боғи бош директори, Тошкент вилояти

Мирнасиров Миркомил Мирхайдарович — «Республика махсус алоқа боғламаси» давлат унитар корхонаси директори

Нагай Евгений Аликович — “Uzbekistan airways” акциядорлик жамиятининг Парвоз хизмати департаменти учувчилар отряди командири ўринбосари

Оллоёров Мансурбек Полвонзода — Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси

Омонов Ойбек Бахтиёрович — Мирзо Улуғбек туманидаги “Asia union airlines” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Петров Максим Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг Гляциал геология маркази мудири

Пулатов Фаррух Жахонгирович — Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси раиси

Ражабов Алижон Сувхонович — Олот тумани йўлларидан фойдаланиш корхонаси давлат муассасаси йўл ишчиси, Бухоро вилояти

Расулов Икрамджан Ширмухамедович — «Mine Construction Alliance s.r.o.» компанияси кузатув кенгаши раиси, Тошкент шаҳри

Розукулов Улуғбек Убайдуллаевич — “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси раиси

Садиков Шухрат Мухамаджанович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири котибияти раҳбари

Салимжонов Бахтиёржон Рахимжонович — Чуст тумани ҳокими, Наманган вилояти

Талипов Ходжимурат Миразимович (марҳум) — Ўрмон хўжалиги агентлигининг чўлланишга қарши курашиш ва дегрaдацияга учраган ерларни тиклаш бўлими собиқ бош мутахассиси

Узаков Джалғасбай Узакович — «Амударё» ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси Қуйидарё бошқармаси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Умаров Мумин Ахматжонович — Термиз туманидаги «Namuna elegant agro» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

Усманова Ихтибор Махмуджановна — Наманган шаҳридаги «Заркент» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

Утемуратова Сапаргул Шамшетовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари

Хакимов Обид Арзикулович — Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси

Худоев Салим Саидович — “Ўзйўлкўприк” кластерининг Тошкент вилояти филиали давлат муассасаси директори

Ҳамраев Беҳзод Сайлихонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси раиси

Шукуров Сағдулла — Жиззах шаҳридаги «Ўратепалик» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари, Жиззах вилояти

Эшматова Феруза Фарходовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)

«Мардлик» ордени билан

Амиров Алишер Хуррамович — Сурхондарё вилояти ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари

Насриев Фариддин Бадриддинович — Ўзбекистон Республикасининг Эрон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

Худоев Жамшид Ражабович — Жондор тумани ҳокими, Бухоро вилояти

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Азизов Абдулла Абдисаламович — Тиббиёт ва фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори

Алимухамедов Сухроб Айбекович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

